



Ногиронлиги бўлган шахсларга сиёсий жараёнларда иштирок этишда кўмаклашиш



Тушуниш осон бўлган маълумотлар



Европада Хавфсизлик
ва Ҳамкорлик Ташкилоти
Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори



**Ногиронлиги бўлган
шахсларга сиёсий
жараёнларда иштирок
этишда кўмаклашиш**

**Тушуниш осон бўлган
маълумотлар**



Европада Хавфсизлик
ва Ҳамкорлик Ташкилоти
Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори

Мазкур қўлланма ўқиш ва тушунишни соддалаштириш борасидаги Европа стандартларига мос келади.

Батафсил маълумот учун <https://easy-to-read.eu> сайтига мурожаат қилишингиз мумкин.

Мундарижа	Бет
------------------	------------

Кириш	4
--------------	----------

Муаммолар	10
------------------	-----------

Ёрдам бериш усуллари	13
-----------------------------	-----------

Сиёсий партиялар	16
-------------------------	-----------

Парламентлар	24
---------------------	-----------


Хулоса	32
---------------	-----------

Алоқа учун маълумотлар	34
-------------------------------	-----------

Кириш



Мазкур ҳужжат ногиронлиги бўлган шахсларга сиёсий жараёнларда иштирок этишда кўмаклашишнинг энг яхши усулларига бағишланади.



Дунёда тахминан 1 миллиард нафарга яқин одамда **ногиронлик** мавжуд.



Ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжлари турлича.



Жисмоний ногиронлиги бўлган шахс ҳаракатланишга қийналади.



Жисмоний ногиронлиги бўлган шахс ногиронлар аравасидан фойдаланиши мумкин.



Сенсорик қобилиятлари чекланган шахс кўришга қийналиши мумкин.



Сенсорик қобилиятлари чекланган шахс эшитишга қийналиши мумкин.



Руҳий ногиронлиги бўлган шахс ўзи ва атрофидагилардан норозилик ҳиссига эга бўлиши мумкин.

Бу эса улар хавотир ёки хафалик ҳисси таъсирида бўлиши мумкинлигини англатади.



Ақлий имконияти чекланган шахс ўрганиш ва билим олишга қийналиши мумкин.



Ногиронлиги бўлган шахслар бошқа одамлар билан бир хил ҳуқуқларга эга.

Бу - **инсон ҳуқуқлари** дейилади.



НОГИРОНЛАР
ҲУҚУҚЛАРИ
ТЎҒРИСИДАГИ
КОНВЕНЦИЯ

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, деб номланган ҳужжат мавжуд.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, қисқача НҲТК, деб юритилади.

НҲТК - ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан амал қиладиган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги юридик ҳужжат.

НҲТКда ногиронлиги бўлган шахслар сиёсий жараёнларда иштирок этиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга экани белгиланади.



НҲТКнинг **29-моддасида** ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий жараёнлар ва сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи тўғрисида сўз боради.



НҲТКнинг **12-моддасида** ногиронлиги бўлган шахслар томонидан қабул қилинган қарорларни тан олиш қонун билан белгилангани тўғрисида сўз боради.

12-моддада, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларга қарор қабул қилиш жараёнида бироз ёрдам керак бўлиши мумкинлиги тўғрисида сўз боради.



Сиз сиёсий жараёнларда овоз бериш орқали иштирок этишингиз мумкин.



Сиз сиёсий жараёнларда сайлов ва сиёсат тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш орқали иштирок этишингиз мумкин.



Сиз сиёсий жараёнларда сиёсий партияга аъзо бўлиш орқали иштирок этишингиз мумкин.



Сиз сиёсий жараёнларда сайлов кампаниясида қатнашиш орқали иштирок этишингиз мумкин.



Сиз сиёсий жараёнларда сайловга ўз номзодингизни қўйиш орқали иштирок этишингиз мумкин.

Сайловда иштирок этаётган номзод - сиёсатчи сифатида фаолият юритиш ниятида бўлган шахс.

Сайловда иштирок этаётган номзод сайловчилар унга овоз беришини истайди.

Муаммолар

СТЕРЕОТИПЛАР

Ногиронлиги бўлган шахслар сиёсий жараёнларда иштирок этишга қийналиши мумкин.

Бунинг бир нечта сабаблари бор.

Сиёсий жараёнлар тўғрисидаги маълумотларни тушуниш қийин бўлиши мумкин.

Баъзан одамлар ногиронлиги бўлган шахсларни сиёсат қизиқтирмайди, деб ўйлайди.

Бу - **стереотип**, деб аталади.

Стереотип - бир гуруҳга оид одамлар тўғрисидаги тушунча. Стереотиплар, кўпинча, нотўғри бўлиши мумкин.



Ногиронлиги бўлган шахслар, кўпинча, сиёсий жараёнларга жалб қилинмайди.

Бу - **дискриминация**, деб аталади.

Дискриминация – бирон шахс ёки одамлар гуруҳига нисбатан адолатсиз муносабатда бўлиш.



Ногиронлиги бўлган шахсларга сиёсат бўйича етарли даражада сифатли таълим берилмайди.



Баъзида сиёсий идоралар биноларига кириш имкониятлари яратилмаган.

Ногиронлар аравачаси ёки қўлтиқтаёқ билан ҳаракатланишга мажбур бўлганлар айрим сиёсий идоралар биноларига кира олмаслиги мумкин.



Эшитиш учун қўшимча мосламадан фойдаланишга мажбур бўлганлар сиёсий идораларда етарлича эшитиш имкониятига эга бўлмаслиги мумкин.



Ногиронлиги бўлган шахслар, кўпинча, **ишсиз** бўлиши мумкин.

Ишсиз одамнинг иш ўрни бўлмайди.

Ногиронлиги бўлган шахс **сайловга ўз номзодини** қўйиш учун етарли миқдордаги маблағга эга бўлмаслиги мумкин.

Ёрдам бериш усуллари




Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти қисқача **ЕХХТ**, деб номланади.

ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси қисқача **ДИИХБ** деб номланади.



ДИИХБ ногиронлиги бўлган шахслар сиёсий жараёнларда иштирок этиш имкониятига эга бўлишини жуда муҳим, деб ҳисоблайди.



Мазкур ҳужжатда ногиронлиги бўлган шахслар сиёсий жараёнларда қай тарзда иштирок этиши мумкинлиги тушунтириб берилган.

Шунингдек, ҳужжатда сиёсий партия ва парламентлар ногиронлиги бўлган шахслар сиёсий жараёнларда иштирок этиши учун имкониятларни қай тарзда яратиб бериши мумкинлиги тушунтириб берилган.



Сиёсий партия - бу сиёсий чоралар ҳамда қонунларга нисбатан ўхшаш қарашларга эга бўлган шахслар гуруҳи.



Аксарият мамлакатларда **парламент** - бу қонунлар ишлаб чиқадиган одамлар гуруҳи.

Парламент, шунингдек, мамлакат томонидан юритиладиган сиёсат қандай бўлиши кераклиги юзасидан қарорлар қабул қилади.

Сиёсий партиялар



Сиёсий партиялар ногиронлиги бўлган шахсларга сиёсий жараёнларда иштирок этишда ёрдам бериши мумкин.

Сиёсий партиялар ногиронлик масалалари бўйича тегишли маълумот ва тажрибага эга бўлган ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият юритиши лозим.



Сиёсий партиялар **Ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари** билан ҳамкорликда фаолият юритиши лозим.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ташкилотлари қисқача **НБШТ**, деб номланади.

НБШТлар сиёсий партияларга ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларини тушунишда ёрдам бериши мумкин.



Сиёсий партиялар сайловларни ўтказиш учун масъул органлар билан ҳамкорликда фаолият юритиши лозим.

Сайловларни ўтказиш учун масъул органлар қисқача **СЎМО**, деб номланади.

СЎМО сиёсий партияларга сайловларнинг тегишли тартиб-қоидаларга риоя қилинган ҳолда ўтказилишини таъминлашда ёрдам беради.




Сиёсий партиялар ногиронлиги бўлган шахслар сиёсий жараёнларда иштирок этиши учун тенг имкониятларни яратиши мумкин бўлган барча усулларни кўриб чиқиши лозим.



Бу – яратилган шароитлардан фойдаланиш қулайлигини баҳолаш, деб аталади.

ДИИХБ “Сиёсий партиялар фойдаланиши учун мўлжалланган назорат саволлар рўйхати”, деб номланган рўйхатни шакллантирган.



Сиёсий партиялар яратилган шароитлардан фойдаланиш қулайлигини белгиловчи қоидаларга эга бўлиши лозим.

Яратилган шароитлардан фойдаланиш қулайлигини белгиловчи қоидалар, деганда бино ва жойларга кириш шароитларини қай тарзда осон ва қулай қилиш тўғрисида аниқ маълумотлар мавжудлиги тушунилади.

Яратилган шароитлардан фойдаланиш қулайлигини белгиловчи қоидалар, деганда ахборот тушуниш учун осон бўлган кўринишда тақдим этилиши тўғрисида аниқ маълумотлар мавжудлиги тушунилади.



Мазкур қоидаларда **вакиллик даражаси етарли бўлмаган бошқа гуруҳлардаги** ногиронларга сиёсий жараёнларда иштирок этишда ёрдам беришнинг қўшимча усуллари тўғрисида сўз юритилиши лозим.



Вакиллик даражаси етарли бўлмаган гуруҳларга мисол тариқасида сиёсий жараёнларда иштирок этаётган ногирон аёлларни келтириш мумкин.



Сиёсий жараёнларда иштирок этаётган ногирон аёллар кўпчиликни ташкил этмайди.

Ногирон аёллар сиёсий жараёнларда вакиллик даражаси етарли бўлмаган гуруҳдир.

Ногирон аёллар учун муҳим бўлган мавзулар етарли даражада муҳокама қилинмайди.

Ногирон аёллар учун муҳим мавзулар унутиб қолдирилиши мумкин.



Хукуматлар ҳамда партиялар ногиронлиги бўлган шахс сиёсий жараёнларда иштирок этишига ёрдам бериш учун маблағ ажратиши зарур бўлиши мумкин.



Сайловда иштирок этаётган номзод учун тегишли шароитлар яратилиши, жумладан, имо-ишора тилида сўзлашувчи ёрдамчи тақдим этилиши лозим бўлиши мумкин.



Ногиронлиги бор шахсдан унга зарур бўлган шароитни яратиш билан боғлиқ харажатларни қоплашни талаб қилиш нотўғри.



Сиёсий партиялар таркибида ногиронлиги бор шахсларга сиёсий жараёнларда иштирок этишда ёрдам берадиган **йўриқчилар** бўлиши талаб этилиши мумкин.

Йўриқчи - ёрдам ва маслаҳат берадиган шахс.



Сиёсий партиялар сайлов материалларидан фойдаланиш қулай эканини таъминлаши лозим.




Сиёсий партиялар ўз мажлис ва учрашувлари ўтказиладиган жой ва биноларга ногиронлиги бўлган шахслар кириши қулай бўлишини таъминлаши лозим.



Сиёсий жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар **овозли** ва **тасвири** кўринишда бўлиши лозим.

Аудио маълумот – эшитиш мумкин бўлган маълумот тури.
Подкаст – аудио маълумотнинг бир тури.



Визуал маълумот – кўриш мумкин бўлган маълумот тури.
Плакат ёки тушуниш осон бўлган ҳужжат визуал маълумот ҳисобланади.



Аудиовизуал маълумот бир вақтнинг ўзида ҳам эшитиш ҳам кўриш мумкин бўлган маълумотдир.

Видеолавҳа аудиовизуал маълумот ҳисобланади.




Сиёсий партиялар сиёсий масалаларга бағишланган маълумотларни содда ва лўнда қилиб тайёрлаши муҳим аҳамият касб этади.

Бу - ногиронлиги бўлган шахслар сиёсий масалалар юзасидан онгли қарор қабул қилишини таъминлашга ёрдамлашади.



Сиёсий партия сайловларда ногиронлиги бўлган шахслар учун **квота** ажратилиши тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Квота - бу сиёсий партия томонидан номзод сифатида кўрсатиладиган ногиронлиги бўлган шахсларнинг аниқ белгиланган сони.



Ногиронлиги бўлган номзодлар фақатгина ногиронлик билан боғлиқ муаммоларни кўтариб чиқиши шарт эмас.

Ногиронлиги бўлган номзодлар бошқа муаммоларни кўтариб чиққанда уларни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга.



Сиёсий партия ходимлари ногиронлик масалалари бўйича тайёргарликдан ўтиши лозим.

Бу каби тайёргарлик ходимларга ногиронлиги бўлган шахслар билан осон тил топишишга ва ишни самарали ташкил этишга ёрдам беради.

Бу каби тайёргарлик ходимларга ногиронлиги бўлган шахсларга **мувофиқ шароитлар** яратишни яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Мувофиқ шароитлар - ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокини тенг ва қулай тарзда ташкил этиш учун амалга оширилиши мумкин бўлган ишлар.

Парламентлар



Демократия бошқарувнинг жуда муҳим қисмидир.

Демократия, деганда мамлакат аҳолиси парламент ёки президентни сайлаш учун овоз бериши тушунилади.



Бошқарув, деганда парламент мамлакат қонунларини қабул қилиши ҳамда тегишли чора-тадбирларни белгилаши тушунилади.



Парламентлар бошқарув жараёнига барча одамларни жалб қилиши жуда муҳим.

Парламентлар бошқарув жараёнига ногиронлиги бўлган одамларни жалб қилиши жуда муҳим.



Парламентлар ногиронлиги бўлган шахслар бошқарув жараёнида тенг иштирок этишига ёрдам беришнинг барча усулларини кўриб чиқиши лозим.

Бу – яратилган шароитлардан фойдаланиш қулайлигини баҳолаш, деб аталади.



ДИИХБ “Сиёсий партиялар фойдаланиши учун мўлжалланган назорат саволлар рўйхати”, деб номланган рўйхатни шакллантирган.



Парламентлар **НБШТ**лар билан ҳамкорликда фаолият юритиши лозим.

НБШТлар парламентларга ногиронлиги бўлган шахсларни сиёсий жараёнларга жалб этишнинг энг самарали усулларини тушунишда ёрдам бериши мумкин.



Парламентлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари қонунлар билан муҳофаза қилинишини таъминлаши лозим.



Ногиронлиги бўлган айрим одамлар қарор қабул қилишда қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезади.

Бу - қарор қабул қилишдаги қўллаб-қувватлаш усули, деб аталади.



Парламентлар қонунлар шахсни сиёсий жараёнларда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилмаслигини таъминлаши лозим.



НОГИРОНЛАР
ҲУҚУҚЛАРИ
ТУҒРИСИДАГИ
КОНВЕНЦИЯ

НҲТКнинг **12-моддасида** парламентлар ногиронлиги бўлган шахсларни овоз бериш жараёнида қўллаб-қувватлаши лозимлиги белгиланган.

Шунингдек, НҲТКнинг **29-моддасида** парламентлар ногиронлиги бўлган шахслар ўз номзодини сайловга қўйишида қўллаб-қувватлаши лозимлиги белгиланган.



Парламент ходимларининг малакасини ошириш лозим.

Ходимлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этишини қай тарзда қўллаб-қувватлаш кераклигини яхши тушуниши лозим.



Парламентлар яратилган шaroитлардан фойдаланиш қулайлигини баҳолаш бўйича маслаҳатчини ишга ёллаши мумкин.

Маслаҳатчи турли гуруҳларга мансуб бўлган шахсларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки қўллаб-қувватланишини таъминлайдиган шахсдир.



Яратилган шaroитлардан фойдаланиш қулайлигини баҳолаш бўйича маслаҳатчи ногиронлиги бўлган шахслар ва бошқаларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокига ёрдам бериш билан боғлиқ кўникмаларга эга бўлади.



Парламентларда ногиронлиги бўлган шахслар қай тарзда қўллаб-қувватланишини тушунтириб берадиган ҳужжатлар бўлиши лозим.



Ногиронлиги бўлан ёшлар ва аёллар парламент фаолиятида иштирок этиш учун қўшимча ёрдамга эҳтиёж сезиши мумкин бўлган икки гуруҳ вакиллари ҳисобланади.



Турли гуруҳлар парламентда ўз овозига эга бўлиши жуда муҳим.

Бу - парламентда турли гуруҳлар ўз вакилларига эга бўлиши лозимлигини англатади.



Муайян гуруҳ парламентда ўз вакилларига эга бўлса, парламентда мазкур гуруҳ учун муҳим бўлган мавзулар муҳокама қилинишининг аҳтимоли юқорироқ.



НХТКнинг **4-моддасида** парламентлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ногиронлик билан боғлиқ муаммолар тўғрисидаги фикрларини олиши лозимлиги белгиланган.

Парламентлар, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бошқа мавзулар бўйича фикрларини ҳам олиши лозим.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг турли хил мавзуларга қизиқишини ёдда тутиш муҳим.



Ногиронлиги бўлган шахсларнинг фикрларини ўрганишнинг турфа хил усуллари мавжуд.



Маълумот аудиовизуал кўринишда тақдим этилиши мумкин.

Маълумот тушуниш осон бўлган кўринишда тақдим этилиши мумкин.



Маълумот кириш қулай бўлган жой ва биноларда тақдим этилиши мумкин.

Ҳаракатланиш имконияти чекланган шахсларни қамраб олиш мақсадида маълумотлар интернетга жойлаштирилиши мумкин.



Парламентларнинг **яратилган шароитлардан фойдаланиш қулайлигини таъминлаш учун мўлжалланган бюджети бўлиши** лозим.



**Яратилган шароитлардан
фойдаланиш қулайлигини
таъминлаш учун мўлжалланган
бюджет - ногиронлиги бўлган
шахсларга сиёсий жараёнларда
иштирок этишда ёрдам
бериш учун мўлжалланган пул
маблағлари.**

Хулоса



НОГИРОНЛАР
ХУҚУҚЛАРИ
ТЎҒРИСИДАГИ
КОНВЕНЦИЯ

НХТКда ногиронлиги бўлган шахслар ҳаётнинг барча жабҳаларида тенг иштирок этиш имкониятига эга бўлиши лозимлиги белгиланган.



Сиёсий жараёнларда иштирок этиш ногиронлиги бўлган шахслар ҳаётининг муҳим қисмидир.



ДИИХБ қўлланмасида сиёсий партиялар ҳамда парламентлар ногиронлиги бўлган шахслар сиёсий жараёнларда иштирок этишига ёрдам бериш учун кўп ишлар қилиши мумкинлиги тўғрисида сўз юритилади.



Ногиронлиги бўлган шахсларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этиши барча учун тенг ва қулай шароитлар яратилган дунёни яратишда ёрдам беради.

Алоқа учун маълумотлар




Қўшимча маълумотлар учун
OSCE.org/ODIHR веб саҳифасига
ташриф буюринг.

Ёки биз билан қуйидаги
манзиллар орқали боғланиб,
батафсилроқ маълумот
олишингиз мумкин:



Электрон почта манзили:
office@odihr.pl



Телефон рақами:
+48 22 5200 600



Почта манзили:
ЕХХТ / ДИИХБ
Мiodowa кўчаси 10-уй
00-251 Варшава, Польша